



СУХБАТ САВОЛЛАРИ

I. НАЗАРИЙ ПСИХОЛОГИЯ

1. Психология фанининг объекти, предмети, мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Психология фанининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичларини тавсифланг.
3. Психика тушунчасига таъриф беринг. Унинг асосий хусусиятлари ва функциялари нималардан иборат?
4. Онг ва онгсизлик тушунчаларининг мазмуни ҳамда инсон хулқ-атворидаги ўрнини тушунтиринг.
5. Психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ўртасидаги фарқ нимада?
6. «Индивид», «шахс», «субъект» ва «индивидуаллик» тушунчаларининг мазмуни ҳамда ўзаро фарқини тушунтиринг.
7. Шахснинг психологик тузилиши ва унинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омилларни тавсифланг.
8. Фаолият тушунчаси, унинг психологик тузилиши ва асосий турларини тушунтиринг.
9. Мулоқотнинг психологик мазмуни, тузилиши ва асосий функциялари нималардан иборат?
10. Эҳтиёж, мотив, мақсад ва мотивация тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг.
11. Сезги ва идрок тушунчалари ўртасидаги умумийлик ва фарқлар нималардан иборат?
12. Диққат тушунчаси, унинг асосий турлари ва хусусиятларини тавсифланг.
13. Хотиранинг психологик моҳияти, асосий турлари ва жараёнларини тушунтиринг.
14. Тафаккур тушунчаси, унинг шакллари, операциялари ва асосий турларини тавсифланг.
15. Нутқ ва тафаккур ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтиринг.
16. Эмоция ва ҳис-туйғу тушунчаларининг умумий ва фарқли жиҳатларини тушунтиринг.
17. Аффект, стресс, фрустрация ва кайфият ҳолатларини психологик жиҳатдан тавсифланг.

- 18.Ирода тушунчаси ва иродавий ҳаракатнинг психологик тузилиши нималардан иборат?
- 19.Темперамент тушунчаси, унинг физиологик асослари ва асосий типларини тавсифланг.
- 20.Характер тушунчаси, унинг тузилиши ва шаклланиш омилларини тушунтиринг.
- 21.Қобилият, иқтидор ва истеъдод тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?
- 22.Интеллект тушунчаси ва унинг тузилишига оид асосий психологик ёндашувларни тавсифланг.
- 23.Психик ривожланишнинг асосий қонуниятлари ва ёш босқичларини тушунтиринг.
- 24.Шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашувида оиланинг ўрни қандай?
- 25.Психодинамик, бихевиористик, когнитив ва гуманистик ёндашувларнинг асосий ғояларини тушунтиринг.

II. ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ АСОСЛАРИ

1. Психологик ёрдам нима?
2. Психологик хизматнинг асосий мақсади нимадан иборат?
3. Психологик ёрдамнинг қандай турлари мавжуд?
4. Психологик маслаҳат нима ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Психодиагностика нима ва унинг мақсади қандай?
6. Психологик коррекция нима ва у қайси ҳолларда қўлланилади?
7. Психотерапия ва психологик коррекция ўртасидаги фарқ нимада?
8. Психологик профилактика нима ва у қандай вазифаларни ҳал қилади?
9. Инқироз ҳолатларида психологик ёрдам қандай амалга оширилади?
- 10.Индивидуал ва гуруҳли психологик иш шакллари ўртасидаги фарқ нимада?
- 11.Масофавий психологик ёрдам нима ва унинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
- 12.Психологик ёрдам кўрсатиш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?
- 13.Бирламчи қабул нима ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 14.Психологик амалиётда анамнез йиғиш нима ва у қандай маълумотларни ўз ичига олади?
- 15.Психологик интервенция нима?
- 16.Мижоз билан ишлаш стратегияси қандай шакллантирилади?
- 17.Психологик тренинг нима ва у қандай мақсадларда қўлланилади?
- 18.Психологик реабилитация нима?
- 19.Психологик баҳолаш (баҳолаш жараёни) қандай амалга оширилади?
- 20.Психологик ёрдам самарадорлиги қандай мезонлар асосида баҳоланади?

21. Психологик ёрдам кўрсатиладиган асосий хонага қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида белгиланган ва улар нималардан иборат?

III. ЭТИКА ВА ҚОНУНЧИЛИК

1. Психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари қайсилар? Уларни тушунтириб беринг (қонун 4 моддасига асосан).
2. Ихтиёрийлик принципини тушунтириб беринг (стандарт 2.2. бандига мувофиқ).
3. «Зарар етказмаслик» принципини тушунтириб беринг.
4. Мижоз билан ўзаро муносабатларда қандай этик чекловлар мавжуд?
5. Психологик ёрдам нима ва унинг асосий мақсади нимадан иборат? (қонунинг 1-2 моддаси)
6. Психологик ёрдамнинг асосий вазифалари нималардан иборат? (5-модда моҳияти)
7. Психологик ёрдамнинг қандай турлари ва шакллари мавжуд? (қонун 6 модда)
8. Психологик ёрдам кўрсатишда махфийлик принципи қандай амалга оширилади ва қайси ҳолларда у чекланиши мумкин? (қонун 8 ва 17 моддалари)
9. Психологик ёрдам кўрсатишда мижознинг розилиги (consent) қандай аҳамиятга эга? (қонун 8 модда)
10. Психологик ёрдам кўрсатиш стандартлари нималарни ўз ичига олади? (қонун 7 модда, сифат, методлар, малака талаблари)
11. Психологнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат? (қонун 14-модда моҳияти)
12. Қайси шахслар психологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга ва малака сертификатининг аҳамияти нимада? (қонун 13-модда)
13. Қайси ҳолларда психологик ёрдам тўхтатилиши ёки рад этилиши мумкин? (қонун 16-модда)
14. Психологга қўйиладиган малака талаблари миллий стандартнинг қайси бандида белгиланган? (3.3.)
15. Психологик ёрдам турлари, шакллари ва давомийлигига қўйиладиган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида кўрсатилган? (3.2.)
16. Психологик профилактика билан шуғулланувчи психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида акс этган? (3.3.5.)
17. Психологик текширув (осмотр) ўтказувчи психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида белгиланган? (3.3.6.)
18. Психологик реабилитацияни амалга оширувчи психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида кўрсатилган? (3.3.7.)
19. Психологик коррекцияни амалга оширувчи психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандида белгиланган? (3.3.8.)

- 20.Психологик маслаҳатни амалга оширувчи психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандда кўрсатилган? (3.3.9.)
- 21.Клиник психологга қўйилган талаблар миллий стандартнинг қайси бандда белгиланган? (3.3.11.)
- 22.Психологик ёрдамни рад этиш ёки тўхтатиш шартлари миллий стандартнинг қайси бандда белгиланган ва қайси ҳолларда амалга оширилади? (3.4.)
- 23.Професионал этика нима?
- 24.Психолог фаолиятида махфийлик принципи қандай амалга оширилади?
- 25.Професионал компетентлик нима?
- 26.Професионал чегаралар нима ва уларни сақлаш нега муҳим?
- 27.Мижознинг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?
- 28.Психологнинг жавобгарлиги нимада ифодаланади?
- 29.Шахсий маълумотлар қандай ҳимоя қилинади?
- 30.Ахборотли розилик (informed consent) нима?
- 31.Этик кодекснинг аҳамияти нимада?
- 32.Манфаатлар тўқнашуви нима?
- 33.Болалар билан ишлашда қандай этик хусусиятлар ҳисобга олинади?
- 34.Зўравонлик ҳолатларида психолог қандай ҳаракат қилади?
- 35.Професионал стандартлар нима?
- 36.Психологнинг ҳуқ-атвор кодекси нимани ўз ичига олади?
- 37.Психологнинг ноқонуний ҳаракатлар учун қандай жавобгарлик мавжуд? (қонун)
- 38.Мижозга зарар етказилишига олиб келувчи ҳолатлар қайсилар?

IV. МЕТОДЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР

1. Замонавий психологик амалиётда қандай психодиагностика усуллари қўлланилади?
2. Психологик сўровнома ва тест ўртасидаги фарқ нимада?
3. Проектив методлар нима ва улар қайси ҳолатларда қўлланилади
4. Психодиагностикада интервью усули нима ва унинг асосий турлари қайсилар?
5. Кузатув усули нима ва унинг психологиядаги ўзига хос хусусиятлари қандай?
6. Психологияда эксперимент усулининг моҳияти нимадан иборат?
7. Психологияда Evidence-Based (илмий асосланган) методлар нима деб тушунилади?
8. Психологик тестларни танлашда қандай мезонларга амал қилиш лозим?
9. Психодиагностика натижаларини қандай тарзда интерпретация қилиш амалга оширилади?
- 10.Психодиагностик методикаларнинг ишончлилиги ва валидлиги нима?

11. Психологик баҳолаш жараёнида қандай хатолар юзага келиши мумкин?
12. Клиник интервью нима ва унинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
13. Психодиагностикада скрининг тушунчаси нима?
14. Психологик амалиётда қандай мониторинг усуллари қўлланилади?
15. Психодиагностика натижаларини психологик таҳлил қилиш нималарни ўз ичига олади?

V. ПРОФЕССИОНАЛ КОМПЕТЕНТЛИК

1. Психологнинг профессионал фаолиятидаги асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Психологнинг профессионал компетентлиги деганда нима тушунилади?
3. Психологга қандай коммуникатив кўникмалар зарур ва уларнинг аҳамияти нимада?
4. Эмпатия нима ва у психолог фаолиятида қандай роль ўйнайди?
5. Стрессга чидамлилиқ нима ва у психолог учун нима сабабдан муҳим?
6. Психологнинг профессионал ривожланиши нималарни ўз ичига олади?
7. Супервизия нима ва у психолог амалиётида қандай аҳамиятга эга?
8. Профессионал деформация нима ва унинг қандай белгилари мавжуд?
9. Психологнинг профессионал фаолиятида малака оширишнинг аҳамияти нимада?
10. Илмий фикрлаш нима ва у психолог фаолиятида қандай намоён бўлади?
11. Психологик ёрдам олувчилар кимлар ҳисобланади? (стандартнинг 3.1-бўлими)
12. Қайси ижтимоий гуруҳлар психолог томонидан алоҳида эътибор талаб қилади ва нима сабабдан?
13. Болалар ва катталар билан психологик иш олиб боришда қандай фарқлар мавжуд?
14. Инқироз ҳолатида бўлган шахсларга психологик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
15. Психологик ёрдамнинг давомийлиги нималарга боғлиқ? (3.2.12–3.2.13-бандлар)
16. Қайси ҳолатларда психологик ёрдам тўхтатилади?
17. Самарадорлик қандай баҳоланади?

VI. АМАЛИЙ ВАЗИЯТЛАР

1. Инқироз ҳолатида психологик ёрдам қандай тарзда кўрсатилади?
2. Агрессив мижоз билан ишлашда психолог фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3. Болалар билан психологик иш қандай амалга оширилади? Қандай ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим?
4. Ота-оналар билан психологик иш қандай ташкил этилади?
5. Травматик ҳолатларда психологик ёрдам қандай кўрсатилади?
6. Мижозда стресс даражасини баҳолаш қандай усуллар орқали амалга оширилади?
7. Мижозда депрессив ҳолат белгилари қандай аниқланади?
8. Конфликтли вазиятларни ҳал этишда қандай усуллар қўлланилади?
9. Психолог мижоз мотивациясини оширишга қандай усуллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин?
10. Психологик хулоса тузишга қандай талаблар қўйилади?